



20 20 y. « 12 » август

№ К-374

« \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ г.

Термиз тумани “Каттақум” массиви  
“Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан  
“GOLDEN TROPIC” МЧЖга “Иссиқхона”  
куриш учун вақтинча ер майдони  
ажратиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2019 йил 20 марта ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/441-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/271-сон хатини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/441-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан “GOLDEN TROPIC” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 90қ ва 92қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бонитетли жами 3,0 гектар сугориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” куриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “GOLDEN TROPIC” МЧЖ раҳбари Т.Тўраевга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;


мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Фаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон килинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари



Р.Пардаев